

Танлов ҳужжатларининг гмазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома**
- II. Техник киём**
- III. Нархлар киёми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ЦИЙМАТИ

Танлов предмети: «Турткул тумани "Беруний" МФЙ "Беруний" МФЙдаги "Севинч" кўчасига 800 метрли замонавий пиёдалар йўлакчаси куриш. .

» .объектларини электрон тендер савдоларини ташкил этиш ва утказиб бериш. Танловнинг юкори киймати ҚҚС билан 1600 000 сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

Махсулот буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник кисмда илова килинган.

Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

Ишларни бажариш муддати:

- Харидни утказилиши буйича асословчи электрон _____ ҳужжатларни туликлигини ва тугрилигини 3 иш куни давомида урганади ва эълонни платформага жойлайди.
- Платформага жойлаштирилган эълонга буюртмачининг асосли сурови билан урнатилган тартибда узгартиришлар киритади ва таклиф бериш муддати камида 10 иш кунига узайтирилади.
- Агар электрон тендер ҳужжатларида номувофиклар аникланган такдирда, уларни буюртмачига кайтаради.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Фаргона вилояти уокимлиги “Капитал курилиш еохаеида буюртмачи хизмати”(бундан кейин-“Буюртмачи”деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Ҳаким Улықпан 59 уй. Эл. адрес: injkomp_kk@exat.uz

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, 10 иш куни ичида утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- Ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар;
- Уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома, Низом нусхаси;

Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчилиқка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

Танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Нархлар қисми: Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.
- Танлов иштирокчиси:
 - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади;
 - Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқи аэга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Солиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚАШАРТЛАР

Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида беш қунолдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун қунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утқазиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътибор аниқ киш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки қун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини узгартирмаслиги керак.

Тақлифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма имзоланган қундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда қурсатилган шартлар асосида тузилади.